

## МУХОКАМА АХБОРОТИ

« 15 » декабр 2022 йил  
соат 15:25

Поп туман

Поп туман Халқ таълими бўлими томонидан 2022 йил “01” декабрдаги **22110012202715**-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича **Поп туман Халқ таълим бўлимига қарашли мактабларига Сенсорли лампа (харакатга ёнувчи) етказиб бериш бўйича харидлар амалга оширилиши режалаштирилган.** Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича **Поп Энергия-сервис" КТХФ** томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ҳолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Поп туман Халқ таълими  
бўлими мудири;

Поп туман Халқ таълими  
бўлими бош ҳисобчиси;



А.Хусанов

М.Имбатов

# ШАРТНОМА

## 12/2022-сонли шартнома

Поп тумани

2022 йил " 15" Декабрь

**Поп Энергия-сервис" КТХФ** номидан низом асосида иш юритувчи **М.Исматиллаева** бир томондан (бундан буён матида "Бажарувчи" деб юритилади) ҳамда **Поп туман Халқ таълими бўлими** номидан низом асосида иш юритувчи **А.Хусанов** иккинчи томондан (бундан буён матида "Буюртмачи" деб юритилади) куйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. "Бажарувчи" ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофиқ Поп туман Халқ таълим бўлимига қарашли мактабларига Сенсорли лампа (харакатга ёнувчи) етказиб бериш мажбуриятини олади, "Буюртмачи" ушбу хизматларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг катъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

### II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра куйидагиларни талаб қилиш:
  - камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
  - баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
  - шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

### III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси **26 325 000** (йигирма олти миллион уч юз йигирма беш минг) сўм. Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблаг Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Ҳазначилик штампда кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта помдаги хизматни кўрсатиш ҳудди шу техник топшириққа киритилган бошқа помдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчининг буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

## **V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда миқдорга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни қоплайди.

5.4. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида этказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида этказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

## **VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шаҳар туманлараро иктисодий судида ҳал қилинади.

## **VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнгин, тошқин, зилзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

## **VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ**

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайдилар.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совгалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан такқослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга

кадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қондаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиной қилолиятдан олисан даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асосланганлигини лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий қилолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари ҳавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадидлар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий қилолиятга Томонларнинг иштироки ҳавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашини шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни қарор қиладилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини қарор қиладилар.

### IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022-йил 31-декабргача амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

### X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли вақолатли вақиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

10.5.

### XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Бажарувчи "Поп Энергия-сервис" КТХФ

Манзил; Поп шаҳар Чинор МФЙ

Тел;

Р/с 20208000904228701001

Банк реквизитлари: "Қишлоқ-Қурилиш"

Поп шаҳар Чинор МФЙ

ИНН: 2043074000

Поп Энергия-сервис

М.Исматиллаева

Буюртмачи: Поп тумани Халқ таълими

Манзил: Поп тумани Истиклол №6-уй

Р/с: 23402000300100001010

Л/с: 400122860142197092100075077

Банк реквизитлари: Тошкент ш., Марказий Банк

ХККМ. МФО 00014 ИНН: 200088724

ОКЭД: 92310

Буюртмачи:

А.Хусаннов

Поп Энергия-сервис" КТХФ билан Поп туман ХТБ  
уртасида тузилган 2022-йил 15-декабрдаги № 12/2022-сонли шартномага  
**СПЕЦИФИКАЦИЯ**

Т/р	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Сенсорли лампа (харакатга ёнувчи)	дона	250,00	105300,00	26 325 000,00
	<b>Ж А М И</b>		0,00		<b>26 325 000,00</b>

«Ижрочи»

**Поп Энергия-сервис" КТХФ**  
(мол етказиб берувчининг номи)  
Манзил: Поп шаҳар

Тел/факс

№/в 20208000904228701001

Банк номи: "Қишлоқ-Қурилиш" Поп филиали

МФО: 00240 СТИР: 204307447

ОКОНХ: \_\_\_\_\_



М. Исмаилов

«Буюртмачи»

Поп туман Халқ таълими бўлими  
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)  
Манзил: Поп шаҳар Истиклол кўчаси №

Тел./факс 43-32-430

ш/х 400122860142197092100075077

СТИР 200088724

ОКОНХ 92310

Газначилик бўлимаси номи

Поп туман буйича Газначилик бўлимаси

Ғазна №/в 23402000300100001010

Тошкент Марказийбанк ХККМ

МФО 00014

Газначилик бўлимаси СТИР 201122919

Рахбар

А. Хусанов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO`G`RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

RH2672023712

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Pop tuman XTB va Pop Energiya-servis KTXF bilan sensorli lampa xarid qilish to`g`risida shartnomasi.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma`lumot: Pop tuman xalq ta'limi tomonidan 15.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Pop tumani yuridik  
markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**N.Y.BORATALIYEVA**

15.12.2022



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ  
ПОП ТУМАН ХОКИМЛИГИ ЮРИДИК ШАХСИ ДАВЛАТ  
РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАНЛИГИ ТЎГРИСИДА

ГУВОХНОМА № 2475

Регистратив тартиб рақами № 2560  
«01» ноябрь 2014 йил

Маъмур гувоҳнома берилган юридик шахс:

**«Pop Energo-servis»**

хусусий корхонаси

(Сўраш ва аниқлаш бўлими)

Ташкилий-ҳуқуқий шакли:

FNH

114

Мудирлик шакли:

MH

110

MOBIL

Давлат рўйхатидан ўтказиш санаси ва нота рақами:

1714219501

KTST

Юридик шахсининг коди:

18786857

XXIST

Асосий фаолият тури коди:  
Давлат рўйхатидан ўтказиш санаси ва

14171

CTHP


Соллик гулошнинг идентификация рақами:

204307447

**Қўшимча маълумот:** Поп тумани ҳокимлигининг 2003 йил 09 январдаги №219-рештр билан давлат рўйхатига олинган "Поп Энерго-сервис" ш.а. ширмакетини хусусий фирмалашнинг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49 ва 50-моддаларига асосан барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий тариси ҳисобланади.

MLU

Висолатив орган раҳбари:

  
(Имзо)



**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 202715 на приобретение Поп туман Халқ таълим бўлимига қарашли мактабларига Сенсорли лампа (харакатга ёнувчи) етказиб бериш бўйича**

Способ проведения электронный

Дата 11.12.2022

Время рассмотрения 11.12.2022 18:53

Закупочная комиссия Поп туман халқ таълими бўлими, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	XUSAINOV AVAZBEK ABDURAXIMOVICH	Поп туман халқ таълими бўлими мудир	Поп туман халқ талими бўлими
<b>Секретарь комиссии</b>	IMBATOV MUXITDIN MAXMUDOVICH	Поп туман халқ талими бўлими бош хисобчиси	Поп туман халқ талими бўлими
<b>Член комиссии</b>	XOLMATOV JASUR RAHMATJONOVICH	Поп туман халқ талими бўлими Қурулиш бош мутахасисити	Поп туман халқ талими бўлими
<b>Член комиссии</b>	MAXMUDOV SHAVKATJON ERGASHEVICH	Поп туман халқ талими бўлими касаба уюшма раиси	Поп туман халқ талими бўлими
<b>Член комиссии</b>	RAJABOV DONIYORJON ERKINJONOVICH	Поп туман халқ талими бўлими мудир ўринбосори	Поп туман халқ талими бўлими
<b>Член комиссии</b>	RO'ZMATOV RASHIDJON XAMIDJONOVICH	Поп туман халқ талими бўлими бош иқтисодчи	Поп туман халқ талими бўлими

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 11.12.2022 года № лота 202715.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 25

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Лампа светодиодная
Подробное описание	Поп туман Халқ таълим бўлимига қарашли мактабларига Сенсорли лампа (харакатга ёнувчи) етказиб бериш бўйича
Количество товара	250.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	105 300.00
Стартовая сумма	26 325 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувоҳнома ва устави, лицензия

Тип: Текстовое значение

Описание: Давлат руйхатидан утганлиги тугрисида гувоҳнома ва устави, лицензия

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Поп Энерго-Сервис КТХФ	40	тўғрисида малумот бор	30	Экспертная		
ООО BESH BURGUT	40	тўғрисида малумот бор	25	Экспертная		

Критерий №2 иштирокчининг етказиб буйича муддатларини кўрсатган холда кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: иштирокчининг етказиб буйича муддатларини кўрсатган холда кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Поп Энерго-Сервис КТХФ	20	тўғрисида малумот бор	10	Экспертная		
ООО BESH BURGUT	20	тўғрисида малумот бор	5	Экспертная		

Критерий №3 Иштирокчининг Молиявий курсаткичлар, солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчининг Молиявий курсаткичлар, солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Поп Энерго-Сервис КТХФ	40	тўғрисида малумот бор	25	Экспертная		
ООО BESH BURGUT	40	тўғрисида малумот бор	25	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
Поп Энерго-Сервис КТХФ	26 325 000.00	26 325 000.00 UZS	26 325 000.00	00.00	26 325 000.00	09.12.2022 17:57:26	10
ООО BESH BURGUT	26 325 000.00	26 325 000.00 UZS	26 325 000.00	00.00	26 325 000.00	09.12.2022 18:01:13	10

Процентная оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
Поп Энерго-Сервис КТХФ	58.5	10	68.5
ООО BESH BURGUT	49.5	10	59.5

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 202715 от 11.12.2022 года на приобретение Поп туман Халқ таълим бўлимига қарашли мактабларига Сенсорли лампа (харакатга ёнувчи) етказиб бериш бўйича определила победителем:

Поп Энерго-Сервис КТХФ  
204307447

и резервный исполнитель: ООО BESH BURGUT (200088114)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	XUSAINOV AVAZBEK ABDURAXIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	XOLMATOV JASUR RAXMATJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	MAXMUDOV SHAVKATJON ERGASHEVICH	Согласен	
Член комиссии	RAJABOV DONIYORJON ERKINJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	RO'ZMATOV RASHIDJON XAMIDJONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП